

Қирғизистонда азон айтиш бўйича мусобақа ўтказилади



13:10 / 22.04.2019 2706

Илк марта ташкил этилаётган азон айтиш мусобақаси Қирғизистон Диний идораси кўмагида ўтказилади, деб хабар беради IQNA.

Миллий танлов 2019 йилнинг 28 апрель куни ташкил этилади. Маълум бўлишича, 2018 йилнинг ноябрь ойида танловда иштирок этиш учун 500 киши танлаб олинган. Финал босқичига эса 27 киши етиб келган.

Хабарда айтилишича, ғолибларга мукофот тариқасида Ҳаж ва Умага йўлланма берилади.

Islom.uz портали таҳририяти